ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТИББИЙ АҲВОЛ (ЎЗМА ҲУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА)

Жонибек Шодиевич Бўтаев
ЎзМУ Тарих факультети таянч докторанти
mr.butayev@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти тиббий аҳволи ҳақида сўз юритилиб, Россия томонидан вилоят истило қилингач барча соҳаларда бўлгани сингари тиббиёт тизимида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлганлиги, маҳаллий аҳолининг халқ табобатидан ташқари замонавий тиббиёт ютуқлардан фойдалана бошлагани, ўша даврдаги санитарик ва эпидемиологик аҳвол, шифохоналар фаолияти ва аҳволи, тиббий мутахассислар таркиби ва уларга мурожаат қилганлар сонлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Шунингдек, вилоят Зарафшон округи деб аталган даврда аҳолининг рус тиббий хизматидан фойдаланиш даражаси, тиббиёт вакиллари таркиби ва фаолияти, уларга ажратилган йиллик маблағлар архив манбалари ва статистик ҳисоботлар орқали таҳлил қилиб чиқилган. Округ кейинчалик вилоятга айлантирилгач, тиббиёт тизимида ўтказилган ислоҳотлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда вилоятдаги дорихоналар фаолияти статистик рақамларлар орқали ўлканинг бошқа вилоятлари билан таққосланиб баҳо берилган.

Калит сўзлар: округ, терапевтик, фармацевт, жарроҳ, фельдшер, ветеринар, доя, дорихона, табобат, акушер, амбулатория, эмлаш.

MEDICAL SITUATION IN SAMARKAND REGION IN THE SECOND HALF OF XIX CENTURY (ON THE BASIS OF DOCUMENTS OF THE NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN)

Jonibek Shodiyevich Butaev
Doctoral Student of the Faculty of History of National University of Uzbekistan
mr.butayev@mail.ru

ABSTRACT

The article discusses the medical situation in the Samarkand region in the second half of the XIX century. information on the activities and condition of hospitals, the composition of medical professionals and the number of people who applied to them. Also, the level of access to Russian medical services, the composition and activities of

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

medical representatives, the annual funds allocated to them during the so-called Zarafshan district of the region were analyzed through archival sources and statistical reports. Later, when the district was transformed into a province, the reforms in the medical system and their content, as well as the activities of pharmacies in the region were evaluated in statistical figures in comparison with other regions of the country.

Keywords: county, therapist, pharmacist, surgeon, paramedic, veterinarian, milking, pharmacy, medicine, obstetrician, outpatient, vaccination.

КИРИШ

Самарқанд вилояти 1868 йилда Россия империяси томонидан эгаллангач, ҳудуднинг ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, аҳоли учун муҳим бўлган тиббиёт тизимида бир қатор ислоҳотлар ўтказилиб, асрлар давомида шаклланиб келган аҳоли тиббий маданияти ва турмуш-тарзи империя манфаатларига мослаштирилди. Яъни, аҳоли эндиликда халқ табобати билан бир қаторда замонавий тиббиётдан ҳам фойдалана бошлади. Тиббий тизимдаги мазкур ўзгаришларни статистик шарҳлар ва тўпламлар орқали ҳам тадқиқ этиб, таҳлилий хулосалар чиқариш, мазкур даврнинг тарихий зиддиятларини батафсил ўрганиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур давр тиббий аҳволини тадқиқ этишда статистик маълумотлар ҳам манба сифатида хизмат қила олади. Ўз навбатида Самарқанд вилояти мустамлака даври тиббий ҳаётини ёритувчи манбаларни даври бўйича қуйидагича туркумлаб чиқишимиз мумкин:

1. Мустамлака даври адабиётлари 2.Совет даври адабиётлари. 3. Мустақиллик даври адабиётлари. Мустамлака даври манбаларига архивларда сақланаётган йиллик ҳисоботлар ва тўпламлар, статистик шарҳлар, маҳаллий ва рус олимлари томонидан ёзилган асарлар киради.

Мустамлака даврига оид адабиётлари ва архив ҳужжатларида XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти аҳолиси сони, саломатлиги ҳолати, туғилиш ва ўлим даражаси, тиббиёт вакиллари, шифохоналар фаолияти, санитарик ва эпидемиологик аҳвол ва бошқалар ҳақида муҳим маълумотлар бериб ўтилган.[1]

МУҲОКАМА

Маълумки, Самарқанд вилояти мустамлака қилингунга қадар маҳаллий аҳоли тиббий ёрдам учун табиблар ва муллаларга мурожаат қилишган. Барча

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

соҳаларда бўлган каби тиббиёт соҳасида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Эндиликда, Самарқанд вилояти шаҳарлари ва уездларида рус шифокорлари хизмати пайдо бўлди. Рус шифокорлари маҳаллий аҳолига асосан икки хил хизмат кўрсатган: терапевтик ва жарроҳлик хизматлари. Вилоятда турли шифохоналар – шошилинч тиббий ёрдам хоналари, касалхоналар, ярим касалхоналар, шифохоналар ва фельдшерлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди.

1882–1883 йилларда ўлкани текширган императорнинг махфий маслаҳатчиси Ф.К.Гирснинг маълумотларига кўра Зарафшон округи аҳолиси учун хизмат кўрсатувчи тиббий ходимлар сони қуйидагича бўлган:

шаҳар шифокори (Самарқанд шаҳрида) – 1 нафар, уезд шифокори – 2 нафар ва уларнинг таржимонлари – 3 нафар, уезд дояси – 2 нафар, тиббий ёрдамчилар – 2 нафар ва фельдшерлар – 2 нафар.[2] Жами тиббий ходимлар сони 12 нафар бўлиб, уларга йилда бир маротаба шаҳар ҳамда земство маблағларидан 8820 рубль ажратилган. Бундан ташқари қўшимча равишда Зарафшон округи шифокори ҳудуддаги тиббий қисмнинг назоратини олиб борганлиги учун 800 рубль миқдорида ойлик олган. Кўриниб турибдики, тиббий қисмнинг харажатлари жуда катта бўлган, аммо тиббий ёрдам етарли даражада бўлмаган. Харажатларни камайтириш мақсадида рус маъмурияти томонидан вилоятдаги тиббий бўлинмани назорат қилиш вазифаси вилоят ҳарбий шифокорига юклатилган. Унга вилоят шифокор-инспекторининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам берилган. Кейинчалик, бутун вилоят бўйлаб тиббиёт ўлимини умумий назорат қилиш Округ ҳарбий-тиббий инспекторига топширилади.

Генарал-губернатор Кауфман даврида (1867–1881) Туркистон ўлкасида тиббиёт муассасаларининг кенг тармоғи яратилиб, улар нафақат ҳарбий хизматчилар ва кўчириб келтирилганларга, балки маҳаллий аҳоли вакилларига ҳам тиббий ёрдам кўрсатдилар. Аҳолига хизмат кўрсатувчи тиббиёт вакиллари шифокорлар, фельдшерлар, акушерлар, фармацевтлар ва бошқалардан иборат эди. Императорнинг махфий маслаҳатчиси Ф.К.Гирс “маҳаллий аҳоли орасида рус тиббиётининг обрўси асосан шаҳарларга яқин жойда яшовчилар орасида ўсиб борди” деб таъкидлаб ўтган.[3] Унинг қайд этишича 1881 йилда Туркистон ҳудудида Россия тиббиёт хизматларидан (ҳарбийларни ҳисобламаганда) умумий 22600 аҳоли фойдаланган ва улардан 18500 нафари маҳаллий аҳоли бўлиб, минтақа маҳаллий аҳолиси умумий сонининг (2300000 киши) 1 фоизидан камроғини ташкил этган. Шундай қилиб, подшо ҳукумати

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

томонидан ўлкада кўрилган чораларга қарамай, соғлиқни сақлаш тизими суст даражада ривожланган эди.

Аммо 1886 йилда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” қабул қилингач ҳам ўлканинг тиббий бўлимини бошқариш тизимида туб ўзгаришлар рўй бермади. Ушбу Низомнинг II боби (А пункти) билан тиббий тузилма Бош ҳарбий-тиббий бошқарманинг назорати остида қолди. Ҳужжатда шундай ёзилган эди: “Тиббий қисмнинг жойлардаги бошқаруви таркибига қуйидагилар киради: вилоят ҳарбий тиббий инспектори, унинг ёрдамчиси, вилоят ветеринария шифокори ва офталмолог, шифокорлар котиби, фармацевтлар котиби ва кимёвий лаборатория мудири”.[4] Мазкур Низомга кўра, Самарқанд вилояти тиббиёт таркиби вилоят тиббий инспектори ҳуқуқига эга бўлган вилоят шифокори томонидан назорат қилинган. Унинг вилоят ҳарбий губернаторига бўйсуниши алоҳида қайд этилди. Уезд ва шаҳар шифокорларини тайинлаш бош ҳарбий тиббий инспектор томонидан амалга оширилган, аммо Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган. 1886 йилги Низомга биноан шифокорлар дориларни барча беморларга, маҳаллий аҳоли бундан мустасно, генерал-губернатор томонидан тасдиқланган миқдор бўйича сотишган ва камбағаллар махсус ҳукумат маблағлари ҳисобидан дори-дармонларни бепул олишган. Уезд ва шаҳар шифокорлари чечакка қарши эмлашни амалга ошириши ва бу жараёнга маҳаллий ёшларни жалб қилиши, уларга вилоятларнинг маблағлари ҳисобидан ушбу ишни ўргатиши шарт эди. Касалхоналарда даволаниш пулли, аммо тасдиқланган тарифлар бўлган. Камбағалларга келсак, ҳокимият уларни вилоят земство суммаларидан тўлаган. 1886 йилги Низом бўйича шифокорлар касалларни – ҳам русларни, ҳам туб аҳолини ҳам уйда, ҳам касалхоналарда даволашга мажбур эди. Шундай қилиб, бутун тиббий соҳа, шу жумладан, соф фуқаро тиббиёти ҳам, бутунлай ҳарбий куч қўлида қолдирилди.

НАТИЖАЛАР

Туркистон ўлкасидаги касаллик ва ўлимлар сони тўғрисида архив ҳужжатларида маълумотлар келтириб ўтилган. Жумладан, 1889 йилда 94497 киши тиббий ёрдам учун Россия шифокорларига мурожаат қилган, улардан 558 киши вафот этган. Ушбу рақамлар, албатта, минтақа аҳолиси ўртасидаги касалланиш ва ўлимни тўлиқ ифодаламаган. Бунинг сабаблари рус амалдорлари томонидан архив ҳужжатларида қуйидагича изоҳланган: 1) рус шифокорларининг оқилона даволаши афзалликлари касал бўлган маҳаллий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

аҳолининг катта қисми онгига етарлича сингиб кетмаганлиги сабабли, улар табиблар, муллалар ва бошқалар томонидан касалликлардан даволанмоқдалар; 2) оқилона тиббий ёрдам минтақанинг барча аҳолиси учун тўлиқ мавжуд эмас, чунки бу аҳоли пунктларидан билан тўғри ташкил этилган тиббий ёрдам мавжуд бўлган жойлар ўртасидаги масофа катта; 3) маҳаллий ва янги келган аҳолидан қанча одам ҳарбий шифокорлардан тиббий ёрдам сўраганликлари маълум эмас, чунки ушбу шифокорлар томонидан даволанган беморларнинг сони тўғрисида маълумот берилмаган.[5]

Туркистон ўлкасида 1880-1889 йиллар, яъни ўн йил давомида россиялик шифокорлардан тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар сони қуйидагича бўлган: 1889 йил – 94497, 1888 йил – 72558, 1887 йилда – 63205, 1886 йилда – 73492, 1885 йилда – 55254, 1884 йилда – 42344, 1883 йилда – 37211, 1882 йилда – 27211, 1881 йилда – 22219, 1880 йилда – 20757.[6]

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, ўлкада тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар сони йилдан-йилга кўпайиб борган. Жумладан, тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар сонининг Самарқанд вилоятининг алоҳида ҳудудлари бўйича тақсимланиши ва бошқа йиллар билан таққосланиши қуйидаги жадвалда келтирилган:

Шаҳар ва уездлар	Тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар:						
	1889	1888	1887	1886	1885	1884	1883
Самарқанд шаҳри	7802	5995	7046	5620	3357	3277	4360
Самарқанд уезди	2421	3138	1419	5532	3676	2427	3429
Каттақўрғон шаҳри	1935	1773	302	313	256	215	215
Каттақўрғон уезди	2225	1753	4372	2100	1786	676	629
Жиззах уезди	18064	1991	866	2100	-	-	-
Хўжанд уезди	4990	4761	4931	5163	4017	4109	2652
Жами Самарқанд вилояти	37437	19411	18936	20828	13092	10704	11279

Юқоридаги жадвалдан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳолининг россиялик шифокорларга мурожаатлари ортиб борганлиги, лекин аҳоли сонига нисбатан анча камчиликни ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, 1889 йилда вилоят бўйича жами 34437 нафар аҳоли тиббий ёрдам учун ташриф буюришган. Бу даврда вилоят умумий аҳолиси сони 700 мингдан ортиқ эди. Бу эса ўз навбатида маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисми ҳали ҳам табибларга мурожаат қилганлигини кўрсатади. Таққослаш учун: 1889 йилда Сирдарё вилоятида 33765 аҳоли, Фарғона вилоятида эса 23295 аҳоли рус шифокорларига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

мурожаат қилган. Бундан кўришимиз мумкинки, Самарқанд вилоятида мурожаат қилувчилар сони кўпроқни ташкил этган. Ваҳоланки, мазкур даврда Сирдарё вилоятида 1133584, Фарғона вилоятида эса 829731 киши яшаган.

Маҳаллий аҳолининг рус шифокорларига ишона бошлаганлиги ва уларнинг кўрсатмаларини бажариши, чечакка қарши эмлашнинг ортиб боришида тиббиёт ва полиция ходимларининг аҳоли орасида олиб борган тушунтиришлари ҳамда қатъий қўйилган санитария талаблари муҳим ўрин тутган.

1889 йилда тиббий ёрдам учун шифохоналарга ва шифохоналардан ташқарида мурожаат қилганлар сонининг Самарқанд вилояти шаҳарлари ва уездлари бўйича тақсимланишини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин[7]:

Шаҳар ва уезд	Шифохоналарда		Шифохоналардан ташқарида		Жами	
	Касалланган	Вафот этган	Касалланган	Вафот этган	Касалланган	Вафот этган
Самарқанд шаҳри	640	35	7162	6	7802	41
Самарқанд уезди	62	2	2359	155	2421	157
Каттақўрғон уезди	297	20	3863	6	4160	26
Жиззаз уезди	-	-	18064	-	18064	-
Хўжанд уезди	-	-	4990	-	4990	-
Жами	999	57	36438	167	37437	224

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, маҳаллий аҳоли орасида рус шифокорларига мурожаат қилиб даволанувчилар сони шифохоналардан ташқарида (рецепт бўйича дориларни олиб, уйда ётиб даволаниш) анча кўпроқ бўлган.

Шаҳарларда бозорлар, кўчалар, хиёбонлар ва ҳоказоларнинг тозалиги ҳамда санитария ҳолатларини кузатиш маҳаллий шаҳар округи ва полиция бўлимларига юклатилган. Мазкур мансабдор шахслар ёлғиз ўзи ёки шифокор ва савдогарлар синфидан бўлган вакил билан биргаликда йилига бир неча марта ҳовлиларни, бозорларни, турли савдо ва саноат корхоналарини текширганлар ва уй эгалари томонидан санитария қоидалари бузилиш ҳолатлари аниқланса тузатишни талаб қилганлар. Аммо полиция расмийлари ҳамда шаҳар ва туман шифокорлари уларнинг шаҳарда доимий яшаш жойи бўлганлиги сабабли, озми-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

кўпми тўғри санитария назорати фақат номлари кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойларида амалга оширилган. Минтақанинг қишлоқ аҳолиси, айниқса кўчманчи аҳолининг санитария масалалари муқаррар равишда ўзларига қолдирилган, чунки фуқаро шифокорлари ва полиция ходимларининг сони етарли эмаслиги сабабли ўлканинг юқори сиёсий маъмурияти шаҳарлардан ташқаридаги санитария ҳолатини кузатишининг имконияти деярли йўқ эди.

Шифокорлар томонидан маҳаллий қишлоқ маъмуриятига кўчалар ва ҳовлиларни тоза сақлашга, ариқлардаги сувнинг ва истеъмол маҳсулотларининг сифатли бўлиши масаласида тушунтириш ишлари олиб борилган. Маҳаллий аҳоли бундай кўрсатмаларни қанчалик оқилона ва сидқидилдан бажараётганини назорат қиладиган масъул шахс бўлмаган.

Ўлкада юқумли касалликлар ривожланиши билан округ ва ҳарбий шифокорлар тегишли идоралар томонидан ушбу ҳудудларга инфекцияни йўқ қилиш, касал аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва тегишли чораларни кўриш учун дорилар, дезинфекцияловчи воситалар ва зарур маблағлар билан таъминланган ҳолда фельдшерлар билан биргаликда юборилган ва етарли миқдорда таъминлаб турилган.

Аҳолини турли юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш ва эпидемия тарқалишининг олдини олиш мақсадида эмлаш тадбирлари ўтказиб турилган. Эмлаш Туркистон ўлкасининг барча шаҳар ва туманларида амалга оширилган ва ҳамма жойда ҳам бир хил муваффақиятга эришилмаган. Хусусан, 1889 йилда ўлкада чечакка қарши 36735 киши эмланган ва шулардан 34187 нафари уни муваффақиятли қабул қилган ва 2548 нафарида эса фойдасиз бўлган.

1883–1886 йиллар давомида Туркистон ўлкаси бўйича чечакка қарши эмланганлар сони қуйидагича бўлган: 1883 йил – 30964, 1884 йил – 34213, 1885 йил – 35227, 1886 йил – 35989.[8] Самарқанд вилояти бўйича эса, 1883–1893 йилларда чечакка қарши эмланганлар миқдори қуйидагича бўлган: 1883 йил – 1580, 1884 йил – 955, 1885 йил – 2271, 1886 йил – 2204,[9] 1887 йил – 2896, 1889 йил – 3461, 1890 йил – 4777, 1892 йил – 4192, 1893 йилда – 4257. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, 1883–1884 йилларда округнинг Тоғли туманларида чечакка қарши эмлаш тадбирлари ўтказилмаган ва 1885–1886 йиллардаги эмлаш жараёнларида эса округнинг Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимлари билан таққослаганда охирги ўринда турган.

Самарқанд вилоятида бошқа вилоятлар билан таққослаганда чечакка қарши эмлаш даражаси паст бўлган. Шифокорларнинг фикрига кўра, ушбу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

ҳудудларда чечакка қарши эмлашнинг суст ривожланишининг сабаби қуйидаги ҳолатлардир:

1)маҳаллий аҳолининг баъзилари чечакка қарши эмлашга етарлича ишонмаслиги; 2) эмловчиларнинг етишмаслиги; 3) баъзи ҳудудларнинг катта майдонни эгаллаганлиги; 4) аҳоли кўп қисми кўчманчи турмуш тарзида яшаши; 5) уездлар атрофида чечакка қарши эмалаш учун қулай алоқа йўлларининг йўқлиги.

Ўлкада тиббий мутахассислар етишмовчилиги мунтазам равишда кузатилган ва махсус шифохона шифокорлари бўлмаган. Шаҳар ва туман шифокорлари аҳоли шифохоналари ва доимий шошилинч тиббий ёрдам хоналарига жавобгар бўлган.

Вилоятда руҳий касаллар учун уйлар ва фуқаролик шифохоналарида махсус бўлимлар мавжуд бўлмаган. Руҳиятида муаммоси бўлганлар жойлардаги ҳарбий шифокорлар ва Тошкентдаги ҳарбий госпиталда даволанишлари мумкин бўлган.[10]

Самарқанд вилоятида фақат маҳаллий бемор аёлларни ва уларнинг ёш болаларини қабул қилиш учун махсус ажратилган амбулаториялар ҳам мавжуд бўлган. Мазкур шифохоналар 1886 йилдан вилоятнинг Самарқанд ва Хўжанд шаҳарларида фаолияти йўлга қўйилиб, улар фельдшерлар ёрдам берадиган аёл-шифокорлар томонидан бошқарилган.[11]

Самарқанд ва Хўжанд шаҳарларида аёл-шифокорлари бўлган махсус аёллар ва болалар шифохоналарининг ташкил этилиши мусулмон аёлларга нисбатан рационал тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини яратган. Бундан кўзланган асосий мақсад ёш авлод онгида ёшликдан рус тиббиёти устун ва афзал деган ғояни сингдириб бориш ҳамда рус маданиятини ёйиш, аҳоли ишончига кириш орқали ўз ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш бўлган. Худди шундай шифохоналар Туркистон ўлкасининг Тошкент, Қўқон, Андижон ва Наманган шаҳарларида ҳам мавжуд бўлган.

Мазкур шифохоналарга тиббий ёрдам учун мурожаат қилган аёллар ва улар болаларининг сони умумий Туркистон ўлкаси бўйича 1889 йилда қуйидагича тақсимланган:

Амбулатория номи	Аёллар		Болалар		Жами	
	Аёллар сони	Ташрифлар сони	Болалар сони	Ташрифлар сони	Она-болалар сони	Ташрифлар сони
Тошкент	2569	4658	1891	3423	4460	8081

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

Самарқанд	3800	5338	2235	3167	6035	8505
Хўжанд	1418	3057	941	2456	2359	5513
Қўқон	1969	4405	1187	2472	3156	6877
Андижон	1947	4246	1330	2782	3277	7028
Наманган	257	703	116	280	373	983
Жами	11960	22407	7700	14580	19660	36987

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, Самарқанд шаҳридаги мурожаат қилувчи аёллар ва улар болаларининг сони қолганларга нисбатан кўпроқ бўлганлигини кўришимиз мумкин. Самарқанд шаҳридаги шифохонага 1888 йилда 3097 нафар ва 1549 нафар, жами 4646 нафар аёллар ва уларнинг болалари ташриф буюришган.[12]1889 йилда бу рақам кўпайиб 6035 нафарни ташкил этган. Хўжанд шаҳридаги шифохонага 1888 йилда 1489 нафар аёл ва 1053 нафар болалар, жами 2542 нафар она-бола тиббий ёрдам учун мурожаат қилган бўлса, 1889 йилда эса аксинча бу рақам камайиб, 2359 нафарни ташкил этган.

Самарқанд вилоят статистика бошқармаси томонидан чоп этилган “Самарқанд вилоят бўйича шарҳлар”га кўра аёллар ва болалар шифохонасига мурожаат қилганлар сони 1887–1893 йилларда қуйидагича бўлган: 1887 йилда 8325 [13], 1889 йилда 8390 [14], 1890 йилда 10284 [15], 1892 йилда 11965 [16], 1893 йилда 13633 нафар [17]. Аёл-шифокорлар фаолиятининг йўлга қўйилиши вилоят аёллари учун фойдали томонлари ҳам бўлган, чунки азалий, қаттиқ одат бўйича эркак-шифокорлардан ёрдам сўрашнинг тақиқланганлиги сабабли, улар орқали рационал тиббиёт илмининг ютуқлари мусулмон аёлларнинг ёпиқ муҳитига кириб бориши мумкин бўлган ва кўпчиликнинг ҳаётини сақлашга ҳисса қўшган.

“Самарқанд вилоят бўйича шарҳлар”га кўра 1887 йилдан 1898 йилгача рус шифокорлари томонидан маҳаллий аҳолига кўрсатилган тиббий ёрдамлар сони қуйидагича бўлган: 1887 йилда – 9867 нафар, 1889 йилда – 37438 нафар, 1890 йилда – 54580 нафар, 1891 йилда – 52776 нафар, 1892 йилда –20145 ва 1893 йилда – 23493 нафар. 1898 йилда эса 46889 нафар маҳаллий аҳоли рус шифокорларидан тиббий ёрдам олган.[18]

1892 йилда тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар сонининг 1891 йилга нисбатан нисбатан сезиларли даражада камайиши, иситма ва безгак билан касалланган маҳаллий аҳолининг катта қисми рус тиббиёт ходимларидан ташқари табиблардан даво топганлиги билан изоҳланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, туман ва шаҳар шифокорлари санитария назорати ва суд-тиббий экспертизалар учун ҳам масъул эдилар. Бундан ташқари, Каттақўрғон уезди ва Самарқанд шаҳар шифокорларига шаҳар ва уезд шифохоналарини бошқариш вазифалари ҳам юклатилган.

1887–1893 йиллар давомида вилоятда жами 4 та уезд шифохонаси, Самарқанд шаҳар шифохонаси ҳамда маҳалий аёллар ва болалар учун аёл-шифокорлари бўлган 2 та амбулатория мавжуд бўлган.

Бундан ташқари: 3 нафар фармацевт, 12 нафар фельдшер, 1 нафар аёл-фельдшер, 5 та акушер ва 13 нафар маҳаллий эмловчилар бўлиб, вилоят ветеринария-санитария назорати масъулияти Самарқанд вилояти ветеринария шифокори зиммасида бўлган.[19]

“Самарқанд вилояти бўйича шарҳлар”га кўра вилоятда 1887–1893 йиллар давомида тиббий ходимлар сони ва таркиби қуйидагича бўлган:

Йиллар	1887	1889	1890	1892	1893
Шифокорлар	5	5	5	5	5
Аёл-шифокорлар	2	2	2	2	2
Фельдшерлар	60	11	12	12	12
Фармацевтлар	1	1	1	3	3
Ветеринарлар	1				
Доялар	-	5	5	5	5
Аёл-фельдшерлар	-	2	2	1	1
Маҳаллий эмловчилар	-	14	13	13	13
Тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар	9867	37438	54580	20145	23493

Вилоятдаги маҳаллий эмловчилар уезд ва шаҳар шифокорлари томонидан ўқитилиб, улар ҳар ойда шаҳар ва земство маблағлари ҳисобидан 15 рублгача ойлик олишган. Бундан ташқари улар турли мажбуриятлардан озод қилинган. Эмлаш ишлари билан маҳаллий эмловчилардан ташқари, фельдшерлар ҳамда баъзида уезд ва шаҳар шифокорларининг ўзлари шуғулланишган.[20]

Ижтимоий соҳада амалга оширилган ишлардан яна бири шаҳарларда аҳоли учун дорихоналар ташкил этиш бўлган. 1880 йилларда Туркистон ўлкасида учта дорихона мавжуд бўлган ва улар дори-дармонларни бепул сотиш билан шуғулланган: бири хусусий – Тошкент шаҳрида, фармацевт Краузе томонидан бошқарилган, иккинчиси – шаҳар дорихонаси, Тошкент шаҳрида ва учинчиси – земство дорихонаси – Самарқанд шаҳрида.[21]

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

Самарқанд шаҳридаги земство дорихонаси вилоят бўйича асосий дорихона бўлган ва қуйидагиларга текин дорилар берган: шаҳар шифохонаси, болалар уйи, аёллар амбулаториясида даволанаётганлар ва камбағал аҳоли учун. 1889 йилда – дорихонага тушган рецептлар сони: пулли рецептлар 6071 ва текинлари 4351. Дорилар сотишдан тушган пуллар: а) рецепт бўйича 4189 рубль 68 танга; б) қўлда сотишдан 5105 рубль 67 танга. Жами 9295 рубль 35 танга.[22] Самарқанд шаҳар дорихонасида олинган рецептлар сони 1887 йилда 2189 та, 1888 йилда 7592 та (шулардан 3603 та рецепт бўйича бепул дорилар берилган), 1889 йилда 10422 та, 1892 йилда 12277 та, 1893 йилда эса 10740 та бўлган. Демак, йилдан-йилга дорихоналарга ташриф буюрувчилар сони ўсиб борган.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти тиббий ҳаётида қуйидаги ўзгаришлар бўлди: аҳолига хизмат кўрсатувчи тиббий тизим таркиби ўзгариб, янги тиббиёт вакиллари пайдо бўлди; дорихоналар вужудга келди; кўчириш сиёсати натижасида турли юқумли касалликлар тарқалиши содир бўлди; замонавий тиббиёт ютуқлари кириб келди; асрий даволаниш тизими ўзгартирилиб, империя манфаатларига мослаштирилди. Лекин, шифокорларга асосий вазифасидан ташқари бир қатор қўшимча вазифаларнинг юклатилганлиги фаолиятларини кенгайтириш, аҳолини сифатли даволаш ва ўз вазифаларини жиддий бажаришларига тўсиқ бўлган. Бу эса рус маъмуриятининг аҳоли соғлигига эътиборсиз муносабатда бўлганлиги, ўлкада тиббий хизматни жорий этишдан асосий мақсади аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш эмас, балки рус шифокорларидан ўз мустамлакачилик манфаатлари йўлида фойдаланиш бўлган. Шунингдек, тиббий хизматдан асосан шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли фойдаланиб, чекка жойларга ҳали етиб бормаган эди.

REFERENCES

1. Отчет ревизующего по Высочайшему повелению Туркестанский край, тайного советника Гирса. 1884. СПб. 453 с; ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 616-йиғма жилд; ЎзМА И-1-фонд, 10-рўйхат, 2067-йиғма жилд; Обзор за Самаркандской области за 1887 год. (Приложение ко всеподданнейшему отчету) Самарканд 1888; Высочайше утвержденное Положение об управлений Туркестанским крае 12 июня 1886 года. СПб. 1888. С. 322.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00199

2. Отчет ревизующего по Высочайшему повелению Туркестанский край, тайного советника Гирса. 1884. СПб – С.158.
3. Отчет ревизующего по Высочайшему повелению Туркестанский край, тайного советника Гирса. 1884. СПб – С.160.
4. Высочайше утвержденное Положение об управлений Туркестанским крае 12 июня 1886 года. СПб. 1888. С. 322.
5. ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 616-йиғма жилд, 4-варақ.
6. Ўша манба, 5-варақ.
7. Ўша манба, 7-варақ.
8. ЎзМА И-1-фонд, 10-рўйхат, 2067-йиғма жилд, 4-варақ.
9. Ўша манба, 4-варақ.
10. Ўша манба, 129-варақ.
11. Ўша манба, 2-варақ.
12. Ўша манба, 130-варақ.
13. Обзор за Самаркандской области за 1887 год. – Самарканд 1888. – С. 20.
14. Обзор за Самаркандской области за 1889 год. – Самарканд 1891. – С. 28.
15. Обзор за Самаркандской области за 1890 год. – Самарканд 1892. – С. 35.
16. Обзор за Самаркандской области за 1892 год. – Самарканд 1892. – С. 107.
17. Обзор за Самаркандской области за 1893 год. – Самарканд 1894. – С. 87.
18. Обзор Самаркандской области за 1898 г. – Самарканд, 1899. – С.203.
19. Обзор Самаркандской области за 1892 г. – Самарканд, 1892. – С. 107.
20. ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 2067-йиғма жилд, 134-варақ.
21. ЎзМА И-1-фонд, 11-рўйхат, 616-йиғма жилд, 38-варақ.
22. Обзор Самаркандской области за 1889 г. – Самарканд, 1891. – С. 28.